



«Toshshaharnur» Давлат Унитар корхонаси Тошкент шаҳри ташқи ёритиш тизимларини ташкил этиш ва уларга хизмат кўрсатиш учун 1949 йилда ташкил бўлга н. Тошкент шаҳар Ҳокимиятининг 2004 йил 6 апрелдаги 263 сонли қарорига кўра «Toshshaharnur» ишлаб чиқариш бирлашмаси «Toshshaharnur» Давлат Унитар корхонасига айлантирилди.


Корхона таъсисчиси Тошкент шаҳар ҳокимияти ҳисобланади. Мулк эгаси давлат ҳисобланади ва уни тезкор бошқариш учун «Toshshaharnur» ДУК га берилган. «Toshshaharnur» ДУК Тошкент шаҳар ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмаси таркибига киради.

Корхона фаолиятининг мақсади Тошкент шаҳрини ташқи ёритиш билан таъминлаш, лампали ва иллюминация билан безаш, давлат аҳамиятидаги байрам тадбирларини ўтказишда чироқ ва овоз билан таъминлаш. «Toshshaharnur» ДУК таркибига 13 та туман электр тармоқлари, ташқи ёритиш тармоқларини тасарруф этиш хизмати, марказий диспетчерлик хизмати, шаҳарни ёритиш-техник безаклар билан безаш бўлими - газ ускуналари ва лампали иллюминациялар хизмати, «Автоҳўжалик» хизмати киради.


# Тошкент шаҳар кўча ёритиш тармоқлари харита-схемаси



# “Toshshaharnur” ДУК Паспорти:



- \* Раҳбар: Ахмедов Шомансур Тўйчиевич; тел: (98) 115-09-64
- \* Диспетчерлик хизмати: тел: (71) 232-20-20, (71) 230-20-20
- \* Штат бирлиги: 807 киши
- \* Мавжуд техникалар сони: 124 дона
- \* Тунги ёритиш чироқлари сони: 143 522 дона
- \* Бошқарув қутилари сони: 1 768 дона
- \* Тармоқнинг умумий узунлиги: 4 061 км
- \* 2022 йилда электр энергия сарфи: 41 062 736 кВт/соат
- \* Ўртача бир кунлик электр энергия сарфи: 112 500 кВт/соат
- \* Кўча ёритиш тармоқларининг умумий қуввати: 11 900 кВт



**Ахмедов Шомансур Туйчиевич**  
**“ТОШШАХАРНУР” ДУК директори**



**Ражабов Умидбек Рустамбаевич**  
**“ТОШШАХАРНУР” ДУК бош мухандиси**




**Шаякубов Шамахсуд Исраилович**  
**“ТОШШАХАРНУР” ДУК директор**  
**биринчи ўринбосари**



**Азизов Рахим Махкамович**  
**“ТОШШАХАРНУР” ДУК**  
**умумий масалалар бўйича**  
**директор ўринбосари**




**Агишева Фариди Сайфуллаевна**  
**“ТОШШАХАРНУР” ДУК молия**  
**ва иқтисодиёт бўйича**  
**директор ўринбосари**



**Икрамов Муроджон Махмуджонович**  
**“ТОШШАХАРНУР” ДУК қурилиш**  
**бўйича директор ўринбосари**



**Максудова Альфия Газизьяновна**  
**“ТОШШАХАРНУР” ДУК**  
**бош ҳисобчиси**



**Шакирова Сабохат Атхамовна**  
**“ТОШШАХАРНУР” ДУК**  
**режа-иқтисодиёт бўлим бошлиғи**



**Хакимджанов Равшан Хасанович**  
**“ТОШШАХАРНУР” ДУК**  
**тасарруф хизмати бошлиғи**




**Назарова Дурдона Эргашовна**  
**“ТОШШАХАРНУР” ДУК**  
**ходимлар бўлим бошлиғи**



**Исраилов Исмаил Исабекович**  
**“ТОШШАХАРНУР” ДУК**  
**умумий бўлим бошлиғи**



## 2023 йил 1 апрел ҳолатига кўра Тошшахарнур ДУК иш фаолиятини олиб бораётган ҳодимлар сони бўлимлар кесимида:




Бошқарув ходимлари - 24 та  
Мутахасислар - 22  
Тасарруф бўлимида - 362 та  
Хисоб китоб бўлимида - 7 та  
Умумий бўлимда - 6 та  
Махсуснур хизматида - 53 та  
Ностандарт конструкциялар цехи - 23 та  
Кўча ёритиш тизимини масофадан автоматик бошқариш бўлими  
– 17 та  
Автоҳўжалик хизматида - 240 та  
Хизмат кўрсатиш ходимлари - 36 та  
ЖАМИ: 790 та

Шундан:

Аёллар - 116 та  
Нафақадорлар - 62 та  
30 ёшгача ёш мутахасислар - 155 та

## Тошкент шаҳар кўча ёритиш тармоқларини тасарруф қилиш манбалари




«Тошшаҳарнур» давлат унитар корхонаси хўжалик ҳисобидаги ташкилот бўлиб, бюджет маблағлари олувчилар сифатида кўча ёритиш тизимини тасарруф қилиш учун маҳаллий бюджетдан молиялаштирилади. Шунингдек, Устав капиталида давлат улуши 100 фоиз бўлган ва белгиланган солиқларни тўловчи ҳисобланади.

Бажарилган ишлар бўйича молиялаштириш маҳаллий бюджет томонидан Тошкент шаҳар Ҳазначилик бошқармаси орқали бюджет харажатлар таснифининг IV гуруҳига мувофиқ учта модда бўйича молиялаштирилади.



# БЎЛИМЛАР ВАЗИФАЛАРИ



## «Автохўжалик» хизмати

Тасарруф хизмати талабномасига кўра корхона туман бўлимлари ва хизматлари учун зарур махсус автотранспорт воситалари билан таъминлаш;  
Корхона балансидаги автотранспорт воситалари ва махсус транспортлардан фойдаланишни ташкил қилиш;  
Автотранспорт воситалари ва махсус транспортларни капитал, ўрта ва жорий таъмирлашни ташкил этиш;  
Йиллик техник кўрикни ташкил этиш ва ўтказиш;  
Ўқилғи-мойлаш материалларини тежамкор истеъмол қилиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;  
Йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича ҳайдовчилар билан ишлашни ташкил этиш ва амалга ошириш


## “Махсуснур” хизмати

Тошкент шаҳар кўчаларини иллюминация ва турли хил ёритиш ускуналари билан бадий безатиш;  
Иллюминацион ёритиш тармоқларини капитал, режали профилактик ва жорий таъмирлаш режасини бажариш;  
Иллюминацион ёритиш тармоқларидаги аварияларни ўз вақтида бартараф этиш;  
Тасарруф ишларини тўғри ташкил қилиш, ёритиш ускуналаридан фойдаланиш самарадорлигини ошириш;  
Шаҳарни иллюминацион ёритиш мосламаларини ини такомиллаштириш орқали юқори сифатга эришиш, моддий ва энергия ресурсларини тежаш;  
Ёритишни масофадан бошқариш тизимларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш

## Тасарруф хизмати

Кўча ёритиш тармоқлари бир маромда узлуксиз ва беталофат ишлашни таъминлаш;  
Туман ташқи ёритиш тармоқларининг белгиланган ёритиш режимларига, кечқурун, тунги қувват чекловларига мувофиқлигини қузатиб бориш ва туман ёритиш тармоқлари ишини ташкил қилиш;  
Кўча ёритиш ускуналарининг режага кўра таъмирлаш бўйича чора-тадбирлар режаларининг бажарилишини назорат қилиш;  
Якка тартибдаги уй-жой объектлари ва ёритиш тизими бўлмаган объектларда ёритиш тармоқларини ўрнатиш;  
Кўча ёритиш объектларини қуриш учун техник шартларни ишлаб чиқиш ва буюртмачиларга бериш, лойиҳаларни мувофиқлаштириш;  
Кўча ёритиш тизимларини “Куз-қиш мавсуми”да ишлаш бўйича режали ишларини бажаришни ташкил қилиш

# БЎЛИМЛАР ВАЗИФАЛАРИ



## Режа-иқтисод бўлими:

Кўча ёритиш тизимини тасарруф қилиш бўйича фаолиятини молиялаштиришга йиллик бюджет талабномасини тузиш, молия органларида тасдиқлаш;  
Кўчаларни ёритиш тармоқларини эксплуатация қилиш, ностандарт конструкцияларни таъмирлаш ва тайёрлаш, автотранспорт хизматларини кўрсатиш ва ҳ.к. учун калькуляцияларни тузиш ва тасдиқлаш;  
Штат жадвалларини тузиш, Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган меҳнатга ҳақ тўлаш Ягона тариф сеткасига мувофиқ, тариф ставкалари, разрядлар ва ойлик маошларга риоя қилиш;  
Штат интизомига риоя қилиш, меҳнатга ҳақ тўлашга маблағларни сарфлаш, тариф ставкалари, разрядлар, қўшимча ва устама ҳақларни белгиланишининг тўғрилиги устидан назоратни амалга ошириш.

## Бухгалтерия


Бухгалтери ҳисоби бўйича активларнинг ҳолати ва ҳаракати, мулкӣ ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг ҳолати тўғрисида тўлиқ ва ишончли маълумотларни шакллантириш;  
Самарали бошқарув учун бухгалтерия ҳисоби маълумотларини умумлаштириш;  
Молиявий, солиқ, статистик ва бошқа ҳисоботларни тузиш ва уларни ўз вақтида тақдим этиш;  
Корхона балансидаги асосий воситаларини инвентаризация қилиш;  
Бухгалтерия бўлими бирламчи бухгалтерия ҳужжатларини хўжалик фаолиятини амалга ошириш вақтида ёки улар амалга оширилгандан сўнг дарҳол тузиш ва юритиш

## Умумий бўлим

Директорнинг номига ва корхона манзилига келиб тушган хат-хабарлар, шу жумладан буюртма хат-хабарларни қабул қилиш;  
Корхонага келиб тушган жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни ташкил этиш;  
Кирувчи ҳужжатларни кўриб чиқиш ва тегишли бўлимларга ижрога йўллаш;  
Корхонанинг буйруқлари ва фармойишлари ижроси юзасидан назорат олиб бориш;  
Корхона раҳбарияти ҳузуридаги йиғилишлар баённомаларини рўйхатдан ўтказиш ва назорат қилиш;  
Юқори турувчи ташкилотлар, вазирлик ва идоралар, хокимиятларга юбориладиган, директор ёки бош муҳандис томонидан имзоланган ҳужжатларни рўйхатга олиб тегишли манзилларга жўнатиш;  
Рўйхатдан ўтказилган барча ҳужжатларнинг ижро этилиши назорат қилиш.



# БЎЛИМЛАР ВАЗИФАЛАРИ



## **Кўча ёритиш тизимини масофадан автоматик бошқариш бўлимининг электрон ва электротехник ускуналарни таъмирлаш участкаси**

Туман ташқи ёритиш тармоқларидан ишдан чиққан ёритиш ускуналарини қабул қилиб олиш;  
Ишдан чиққан ёритиш ускуналарини қисмларга ажратиш;  
Ёритиш ускуналарини барча қисмларини ишлашини текшириш ва чиққан қисмларини алмаштириш;  
Ёритиш ускуналарини қайта йиғиш ва туман ташқи ёритиш тармоқларига топшириш

## **Ишлаб чиқариш таъминоти ва бутлаш бўлими**

Ишлаб чиқариш таъминоти ва бутлаш бўлими қўйдаги ишларни амалга оширади:


Корхона эhtiёжи учун керак булган барча товар ва хизматларни тахлил қилиб. реестр асосида товар хом ашё биржаси орқали харид қилади.

Шу билан бирга корхонада таъмирлаш ишлари ва цехларни керакли жихоз ва товарлар билан бутлаш

## **Марказий диспетчерлик хизмати**

Кўча ёритиш тармоқларининг ўз вақтида ёқиб-ўчирилишини оператив бошқариш ва назорат қилиш;  
Кўча ёритиш тармоқларида электрэнергияси истеъмол қилишни чеклаш бўйича режали тартибга ўтказиш;  
Кўча ёритиш тармоқларининг ишлаши бўйича аҳолидан тушган талабномаларни қабул қилиш ва уларнинг тезкор хал этилишини назорат қилиш.

# БЎЛИМЛАР ВАЗИФАЛАРИ



## Ишлаб чиқариш лабораторияси

Ёритиш тармоқларидаги  
узилишларни ва шикастланган ер  
ости кабель симларини қидириш ва  
уларни тиклаш;  
Индивидуал ҳимоя воситаларини  
синовдан ўтказиш.

## “Капиталтаъмирнур” ШК

Электромонташ ва қурилиш  
ишларини амалга ошириш;  
Тошкент шаҳри ва Республика бўйича  
давлат аҳамиятига молик  
тадбирларни иллюминация ва турли  
ёритгичлар билан ёритиб бериш

## “Автотаъмирнур” ШК

Махсус автотранспорт воситасида  
хизмат кўрсатиш